



**ARTICLE INFO**

Received: 10<sup>th</sup> July 2023

Accepted: 15<sup>th</sup> July 2023

Online: 19<sup>th</sup> July 2023

**KEY WORDS**

Жазони ижро этиш муассасалари, маҳкум, сайлов ҳуқуқи, сайлов кодекси, суднинг ҳукми.

**ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА  
МАҲКУМЛАРНИНГ САЙЛОВГА ОИД ҲУҚУҚЛАРИНИ  
ТАЪМИНЛАШ**

**Алтмишев Темурбек Хамзаевич**

ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти Ташкилий-таҳлил бошқармаси бошлиғи, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

**Кушбоқов Шохрух Хасан ўғли**

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8166473>

**ABSTRACT**

*Мазкур мақолада жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш борасида қилинган ишлар сарҳисоби таҳлил этилган.*

Давлатдаги энг муҳим масалаларнинг фуқаролар хоҳиш-иродаси билан ҳал этилиши демократиянинг яққол намоён бўлишидир. Давлат ҳокимиятини шакллантиришда сайловлар ва демократик тамойиллар муҳим аҳамиятга эга[1].

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари” асарида “Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтирдим”, дейди. Айтиш лозимки, сайловлар замонавий демократиянинг муҳим институти, халқ ўз хоҳиш-иродасини билдириши ҳамда сиёсий жараёнларда, жамият ва давлат ишларини бошқариш, шу жумладан, ҳокимиятнинг вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этишининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, айнан сайловлар жамият ҳаётининг ажралмас ҳуқуқий инструменти бўлиб, демократик асосда қурилган мавжуд реал ҳокимият даражасини аниқлаб беради. Сайлов илми борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “...сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар бўйича билимларини тизимли асосда шакллантириш керак.”[2]

Шунингдек, сайлов тушунчаси вакиллик органни овоз бериш йўли билан ташкил топтириш тартибидир. Вакиллик органларини сайлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар сайлов ҳуқуқи деб аталади. Сайлов ҳуқуқи тушунчасига юридик олим О. Турғунов шундай таъриф беради: “сайлов ҳуқуқи энг муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш ёки шахсан қатнашиш имкониятини ҳам беради. Ўзбекистон Республикасининг фуқароларида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари мавжуд бўлиб, бу ҳуқуқлар сайлов жараёнларида вужудга келади. Сайлов ҳуқуқи сайловчи (фуқаро)да



Сайлов ҳуқуқи тушунчасининг яна бир маъноси ҳам бор. Бу тушунча фуқаронинг сайловдаги иштироки, вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш каби субъектив ҳуқуқини таърифлаб бериш учун ишлатилади[2].

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда суд ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, амалга оширилаётган ислоҳотлар жазони ижро этиш тизимида ҳам ўз аксини топмоқда.

Бугунги кунда тизимда 54 та жазони ижро этиш муассасаларида 34 мингдан ортиқ маҳкумлар сақланиб уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу чора тадбирларни ижросини таъминлаш мақсадида замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда миллий қонунчилигини тубдан такомиллаштирилиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-838-сонли Конституциявий қонуни билан Сайлов кодексига ўзгартириш киритилди.

Киритилган ўзгартиришга кўра, “Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига асосан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкинлиги, бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслиги” белгиланди.

Шунга мувофиқ, 2023 йил 9 июль куни ўтказилиши белгиланган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида жазо муддатини ўтаётган шахсларни иштирокини таъминлаш учун 48 та жазони ижро этиш муассасаларида (ЖИЭКларда 17 та, МКларда 20 та, тергов ҳибсхоналарида 11 та) сайлов участкаси ташкил этилди.

Сайловда жазони ижро этиш муассасалардан жами 34 140 нафар шахслар (26 349 нафар маҳкум, 7 791 нафар тергов ва суд ихтиёридаги шахслар) иштирок этди. Шулардан:

– 11 та тергов ҳибсхоналарда 7 791 нафар; 18 та ёпиқ турдаги колонияларда 17 459 нафар;

– 21 та манзил-колонияларда 8890 нафар маҳкум сайловда иштирок этиши таъминланди.

Сайловда жами бўлиб, 640 нафар маҳкум (168 нафари 18 ёшга тўлмаган, 319 нафари чет эл фуқароси, 153 нафари фуқаролиги йук) иштирок этмади.

Шунингдек, 1 та Тошкент вилоятидаги 24-сон Тарбия колониясига кўчма овоз бериш қутиси олиб келиш орқали 29 нафар маҳкумни сайловда иштирок этиши таъминланди.

Шу билан бирга, 1 та Сирдарё вилоятидаги 39-сон манзил-колониядан 12 нафар маҳкум кузатув остида ҳудудий сайлов участкасига олиб чиқилди. Жазони ижро этиш муассасаларининг 354 нафар масъулиятли ва муайян билимга эга бўлган ходимларидан иборат участка сайлов комиссияси таркиби тузилди ва ўқитилди. Жазони ижро этиш тизимида маҳкумларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш ишларини тизимли равишда йўлга қўйиш бўйича Жазони ижро этиш департаментида



тезкор штаб ва ишчи гуруҳ ташкил этилиб, 21 нафар раҳбар ва 48 нафар ходимлар жазони ижро этиш муассасаларида сайлов тадбирига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга масъул этиб бириктирилди.

Сайловга қадар, Ўзбекистон Президентлигига қўйилган номзодларнинг вакиллари иштирокида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ўртасида 211 маротаба сайлов олди тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилди. Сайлов округи ва бошқа ташкилотлар томонидан 92 маротаба, сиёсий партиялар томонидан 119 маротаба (ЎзЛИДеп 40 та, Адолат сотсиал-демократик партияси 17 та, Миллий тикланиш партияси 8 та, Халқ демократик партияси 32 та, Ўзбекистон Экологик партияси 22 та) тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Шунингдек, муассасалардаги кабель телевиденияси ва радио тармоғи орқали 503 маротаба сайлов олди тарғибот дастурлари маҳкумлар эътиборига ҳавола этилди ҳамда 58 та тарғибот материаллари (буклет) маҳкумларга тарқатилиши таъминланди. Жазони ижро этиш тизими маъмурияти ташаббуси билан жазо муддатини ўтаётган сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга маҳкумларни ID карталар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Сайловда иштирок этадиган фуқаролик паспортига эга бўлмаган 3 633 нафар маҳкумлардан ҳозирги кунга қадар 1 494 нафари ID карталар билан таъминланди.

Хулоса ўрнида ушбу амалга оширилган ишлар жазони ижро этиш тизимида маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш тўғри ташкил этилганини ҳамда маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш, келгусида жамиятга ижтимоий мослаштириш учун самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этилганидан далолат бермоқда.

## References:

1. Абдурасулов Х.М. Демократик сайлов қонунчилигининг хронологик ривожланиш тарихи //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 766-774.
2. “Темур тузуклари” асари, Амир Темур.Тошкент, 1996.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабр, 2020 йил.